

*Агар сўрсаларки "Иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Иймон айна тасдиқдур дилга ва иқрор этмақдир тилга", чунончи, айтурларки, "Ал-Иймонун иқрорун биллисони ва тасдиқкун билколби".*

*Агар сўрсаларки "Иймон нечадир?" Жавоб айгилки "Еттидир: аввал Худойи таолонинг бирлигин билмақдир ва хар пайгамбарики анга уммат бўлубдир, анга иймон келтирмақдир ва бу лафз бирла, масалан: "Ла илаха иллаллоху Мухаммадун расулуллох, ашхаду ан ла илаха иллаллоху вааоҳаду анна Мухаммадан абдуху ва расулуху". Иккинчи — фаришталарга иймон келтурмақ. Учинчи — Китобларга иймон келтурмақ. Тўртинчи — пайгамбарларга иймон келтурмақ. Бешинчи — киёматга ва хашру нашрга хам иймон келтурмақ. Олтинчи — харне амрики, яхшию ёмонликдир, казоу кадарга хавола килиб тақдирдин билмақ. Еттинчи — ўлгандин кейин яна гўрдин мисли аввал тирилмақни хак билмақдирки, буни "Баъс баъдал мавт" дерлар".*

*Агар сўрсаларки "Иймони мужмал кайсидир?" Жавоб айгилки "Иймони мужмал будир: "Аманту биллахи кама хува би асмаихи ва сифатихи ва кобилту жамийъа ахкамихи ва арканихи", яъни "Иймон келтурдим Аллох таолога бу кабилдаки, Аллох таъоло бечун*

20

*ва бечугуна ва бешубха ва бенамуна ва жамиъи отлари бирлан ва жамиъи сифатлари бирлан. Ва кабул килдим бажони дил анинг хама хукмларини ва рукнлариники, бизга Китоби Мунзала*

21

*бирла мубайандир"*

22

.

*Агар сўрсаларки "Иймони муфассал кайсидир?" Жавоб айгилки "Иймони муфассал ушбудир: "Аманту биллахи ва малаикатихи ва кутубихи ва русулихи валйавмил-ахири валкодари хойрихи ва шаррихи миналлохи таоло валбаъси баъда-л-мавт".*

Агар сўрсаларки "Мункару Накир<sup>23</sup> нимадин сўрарлар?" Жавоб айгилки "Динингдин ва Худойингдин ва пайгамбарингдин сўрарлар, чунончи, айтурларки "Дининг кайсидир ва Парвардигоринг кимдир ва пайгамбаринг кимдир?". Бас, агар мурда жавобин босавоб берса, алар анга хеч азоб бермаслар, балки меҳрибонлик бирла сўрарлар ва меҳрибонлик бирла кирарлар ва узр бирла ва неча башорат бирла кетарлар, андин кейин гўрнинг хар атрофи етмиш газдин васиъ

24

бўлур ва жаннатдин эшик очилур. Баъзи ривоятда бир хур келур кўлида бир олмай бихишт бирла ва мурда ул олмай ихтиёр килур ва ул хур олмай анга ташлар, мурда олур вақтда хурга келур ва хур олур бўлса, мурдага келур. Шу кайфиятда киёмат бўлганин билмай колур ва агар жавобин босавоб беролмаса, алар анга хадсиз гайбат килур, чунончи, ўзлари каро, кўзлари кўк, пургайбату пурсалобат бўлиб савол килурлар ва гурзийи оташин бирла урарларки, мурда овозин жину инсдин ўзга хамма эшитур. Наъуузу биллахи мин залик! Коланнабий алайхиссалом: "Алкабру ровзатун

мин

риёзилжаннати

ав хуфратун

мин

хуфратин нийрон", яъни Расул алайхиссалом айдиларки: "Кабр бўстонийдир, бихишт бўстонларидин

(бу ахли тоат

ва

ахли ибодатлар хакинда) ва ё зиндонийдир дўзах зиндонларидин (ва бу мунофику кофиру осийлар ва гунохкорлар хакиндадир).

Агар сўрсаларки "Куфру иймон бир маконда жамъ бўлурми?" Жавоб айгилки "Фукахойу уламои ислом иттифоклари бирлан куфру иймон бир маконда жамъ бўлмас, зероки, банда бир холда хам мўъмин ва хам кофир бўлмас. Куфру иймон зиддони ло йажтамиъонидир".

Агар сўрсаларки "Бандаида икрори тил бўлса ва тасдики дил бўлмаса, бас, ул банда хукми шаръи бирла нимадир?" Жавоб айгилки "Мунофикайр, яъни халк кошида мусулмон ва индаллохи кофирдир ва бу мунофик ўлса, бейймон ўлур ва дўзах тагида колур. Кавлуху таоло: "Инналмунофикийна фиддаркил асфали минаннори", яъни "Мунофикларнинг, албатта, кароргохи дўзахнинг тагидадир" ва мунофикда уч аломат бордир. Расул алайхиссалом айтдилар: "Мунофикда уч аломат бордир, агар чандики рўза тутиб, намоз ўкиса хам ва заъм килса хамки ман мусулмонман ва мусулмонзодаман, хар вақтики сўзласа ёлгон сўзлар ва агар ваъда килса хилоф килур ва агар омонат кўйилса хиёнат килур ва бу мунофик кофирдин ёмондир, чунки кофирда куфр зохирдир, ихтиози

25

табъи мукаррар эмасдир. Бинобарин, мўъминларга махлутдир

26

, бас, мўъминларга шарри

27

ва зарари кофирдин кўпрог айр. Анинг учун кофирдин ёмонрог айр".

*Агар сўрсаларки* "Агар тасдиги дил бўлса, аммо икрори тил бўлмаса, ани не дермиз?" *Жавоб айгилки*

"Индаллохи мусулмон ва эл орасида кофирдир мутакаллимин наздида, аммо фукахо ва мужтахидларнинг

28

кошларида икрорсиз мўъмин бўлмас ва тасдиги фойда бермас. "Ман кафара билисонихи тоиъан ва колбуху мутмаъинун билиймони фахува кофирун ва ла йанфаъуху ма фи колбихи!" Яъни, "Кишики кофир бўлса тили бирла ихтиёран, вахоланки, кўнгли иймон бирла баркарордур, бас, ул киши кофирдир ва фойда бермас кўнглидаги тасдиги!".

*Агар сўрсаларки* "Бир кишида тасдиги тил ва икрори тил баркарордир ва лекин амали тан йўк айр, бас, ани ахли шаръ на дерлар?" *Жавоб айгилки* "Ани фосик дерларки, бамикдори маъсият тамугаа азоб тортар, акалли бир соат ва аксари етти минг йилдир. Чунончи, хадиси набавий нотикдурки, баъдаз он нури иймон сабабидин охир халос топар ва жаннатга дохил бўлур ва лекин бандада тасдику икром баркарор ва баркамол бўлса, нега амали солихдин кўл тортиб, нофармонлар

29

каторида бўлгай? Чунки тасдику икром бандани ризойи Худо ва хушнуди пайгамбар алайхи ва салламга

тортар ва мухалифати Иблисни хохла, аммо фиску маъсият Худо ва Расулга мухалифлик келтирур ва Иблис алайхиллаънага мувофахат хосил этур ва яна маъсиятдин хижолатдир Мухаммад Мустафо соллаллоху алайхи ва салламга. Бас, мўъминга лойик эмасдирки, Худо ва Расул алайхи ва салламга мухолафатлик килгай ва Иблис алайхиллаънани шод килгай ва ул шафийъул музнибин

30

ва хотимул мурсалинга

31

аламу хижолат еткургай ва кўнглини кудуратлик килгай. Колан набийу алайхиссалом: "Иннал абда изо азнаба занбан фако хасала суудан фа ин тоба сайхала ва ин зода хатто йасвадду колбуху", яъни батахкик банда вактики бир гунох килса, пайдо бўлар анинг дилида бир нукта баробари каролик, агар тавба килса, ул каролик кетар ва агар гунохни зиёда айласа, зиёда бўлур ул каролик, хаттоки жамиъи кўнгли каро бўлур, наъуузу биллохи минхо! Колаллоху таоло: "Бал рона ало кулуубихим ма кануу йаксибууна", аммо кўнгли каролигига аломат улдурки, гунохга надомат килмас ва тоат кадри анга маълум бўлмас ва насихат анга фойда бермас,

балки харгиз кулогига кирмас, бу хол бирла охирида кофир бўлур ва лекин ўзининг хабари бўлмас“.

*Агар сўрсаларки* "Хар кишининг тасдики дили ва икрори тили ва амали тани бўлса ва лекин суннати набавийни мутобаъати дермиз?"<sup>32</sup> бирла килмаса, ул кишини на  
мубтадиъ *Жавоб айгилки* "Ани  
33

ва ахли бидъат дермизки, мубтадиъ ахли дўзахнинг итидир. Колан набиййу алайхиссалом: "Ахлул бидаъи килобу ахлин нори!", яъни "Мубтадиъ ахли дўзахнинг итларидир!" Бас, камоли иймонки, сабаби халосийи азоби дўзахъир ва василаи даражоти жаннатий ва вусули курби раббонийдур, бу тўрт аслнинг истихкомига мавгуфдирки, тасдик бадил ва икром базабон ва амали бадан ва мутобаъати суннат. Хар кимда бул тўрт тамоман йўкъаир, кофири мутлакъир ва агар баъзиси бордир, мўъмини нокисдир. Ани ахволи илмуллохга муфавваздир!"  
34.

*Агар сўрсаларки*, "Вожиботи иймон нечадир?" *Жавоб айгилки* "Ўн иккидур: Аввал — олимлар бирлан сухбат килмок, иккинчи — фосиху бенамоздин кечмок, учинчи — ташнага сув бермок, тўртинчи — бемору касалларни сўрмок, агарчи тиш огригу кўз огригидир, бешинчи — етиму сагирларни бошига дасти мархамат сурмок, яъни алар кўнглин овламок, олтинчи — икки биродари мўъмин орасига хусумату мунозаъат тушса, яраштирмок, агар чандики яраштирмок ёлгон бирла бўлса хам, еттинчи — кадхудои  
35

дарвишга шафкату мархамат килмок, яъни ўз бизоъатидин бир нимарса анга бермок, саккизинчи — мурдани ювмок, тўккизинчи — йўл узасидаги тошу кесаку бошка ийзо бергувчини йўлдин узок килмок, ўнинчи — йўлдаги нажосати одамнинг устига туфрок сепмок, ўн биринчи — тавофи хонаи Каъба килмок, ўн иккинчи — ўз ахли аёлига кадари зарур шариъат илмидин ўргатмокъир".

*Агар сўрсаларки*, "Мусулмонмисен?" *Жавоб айгилки* "Алхамдулиллох".

Агар сўрсаларки "Сенинг мусулмонлигинга менинг гумоним бор". Жавоб айгилки "Сенинг гумонинг бўлса, менинг шохидим ва гувоҳим бордурки, "Ашхаду ан ла илаха иллаллох вааоҳаду анна Мухаммадан абдуху ва расулух!".

Агар сўрсаларки "Қачондан бери мусулмонсен?" Жавоб айгилки "Мисок<sup>36</sup> кунидан бери мусулмонмен".

Агар сўрсаларки "Маънойи Мисок нимадир?" Жавоб айгилки "Ал-Мисокó хувал ахдул мавсуху вал хитобу", яъни Мисок кунидурки, ул кунни ахд куни дерлар ва мавсук аҳъ килинган маънидадир ва хитоб улдурки, ўшал замоники хазрат Хак субханаху ва таъоло бизларнинг рухларимизни ўз кудрати бирла пайдо этиб, хитоб айлаб дедики, "Аласту би роббикум?" яъни "Мен сизларнинг парвардигорингиз эмасманму?" Шунда рухларимиз жавоб бердиким: "Бала!" Яъни, "Факат бизларнинггина эмас, балки бутун жумлаи жахониённинг Парвардигори, Холики ва офаридагорисан!"

37

"Холику кулли шайъин ва розиху кулли гаййин, йафъалуллоху ма йашаъ ва йахкуму ма йурийду!" Аммо, оятда "Колуу бала", яъни "колуу" лафзи бирладир ва "колуу" жавоби арвоҳдин хикоятдир, асли жавоб лафзи "бала" дур, чунки "Бала" харфи ийжобдир

38

, мазмуни саволнинг хилофига ва салбига мустаъмалдир бар хилофи "Наъам"ки, мазмуни саволнинг исботи учундир. Бас, рухлар "Бала" деди, "Наъам" демади, агар "Наъам" деса, хама кофир бўлур эрди. Наъузу биллахи мин золик!".

Агар сўрсаларки "Аллох таоло иймонни неча нимарсадин офарида килди?" Жавоб айгилки

"Уч

нимарсадин офарида килди: Аввал — нури покидин, иккинчи — нури зотидин, учинчи — нури хокидин. Нури пок — Хак таоло нуридир, нури зот — хазрат Мухаммад алайхиссалом нуридир ва нури хок — хазрат Одам алайхиссалом нуридир".

Агар сўрсаларки "Халовати иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Халовати иймон — пок бўлмокәир".

Агар сўрсаларки "Хукми иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Хукми иймон — хавфу ражонинг <sup>39</sup> ўртасида бўлмокәир, яъни Худойи таоло газабидан хамиша кўркмокдр ва хам Худойи таоло рахматидан умидвор бўлмокәир".

*Агар сўрсаларки "Бузурги иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Худойи таолонинг зикрин ёд килмоқайр, чунончи, "Ковлуху таоло: "Ё аййухаллазийна аману, узкуруллоха зикрон касийрон ва саббихоҳу букротан ва асийлан!", яъни "Эй иймон келтирганлар, Аллох таолони ёд этинглар, кўп ёд этмак бирла ва тасбих этинглар Хак таолони кечаю кундуз!"*

*Агар сўрсаларки "Шариъати иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Харомдин кочиби, талаби рўзийни халолдин нафака этмоқайр. "Ли–ковлихи таоло: "Кулуу мимма фил арзи халалан тоййибан!", яъни нафака этинглар ер юзидаги халол тоййибидин!"*

40

*ва хам хадиси шарифдадирки, "Кулуу–л–халола ва–ястанибуу–л–харома!» Яъни "енглар халолни ва кочинглар харомдин!"*

*Агар сўрсаларки "Пўсти иймон нимадир?". Жавоб айгилки "Шармдир". Ли ковлихи алайхиссалом: "Алхайу минал иймони", яъни "хаё ва шарм иймон жумласидандир".*

*Агар сўрсаларки "Меваи иймон нимадир". Жавоб айгилки "Рўза тутмоқайр". Ли ковлихи алайхиссалом: "Ас совму нажотун минан нори", яъни "Рўза тутмоқ бирладир дўзах ўтидин нажот топмоқлик".*

*Агар сўрсаларки "Барги иймон нимадур?" Жавоб айгилки "Такводир". Ли ковлихи таоло: "Инна лилмуттакийна мафазан ходоиха ва аънабан ва қаваъиба атробан ва қаъсан диҳокан", яъни "Дархакикат, пархезкор ва муттакий бандаларга бихишда боги ризвон абадий ораста ва узумлар хар ранг ва хар алвон ва аруслари*

41

*норастонаки, алар суҳбатидан киши харгиз тўймас, кўлларида қадахлари тўла шароби бихиштидан".*

*Агар сўрсаларки "Магзи иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Магзи иймон дуо килмоқайр".*

*Ли ковлихи*

*алайхиссалом: "Аддуоу муххул ибодати", яъни "Дуо килмоқ магзи ибодатдир".*

*Агар сўрсаларки "Тухми иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Илмдир ва илм ўрганганга хадсиз даража бордир". Ли-кавлихи таоло: "Лиллазийна уутул илма дароѐатин" ва яна нажоти банда икки дунёда хам даражоти иймону ислом бирладир ва мабнойи иймону ислом илмдир".*

*Агар сўрсаларки "Самараи иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Намоздир". Ли ковлихи алайхиссалом: "Ассолоту имодуддийни ва ман акомаха фа код акомаддийн ваман тарокахо фа коӓ хамдамаддийн", яъни Расул алайхиссалом айтдиларки, "Намоз дин устунидир, бас, хар ким адо этибдур намозни, ул киши бунёд этибдир дини Мухаммадийни ва хар ким тарк этибдир намозни, бас, вайрон этибдир дини Мустафони!"*

*Агар сўрсаларки "Беҳи иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Ихлосдир ва ихлос хосил бўлмайдир магар ният бирлаки, колан набийу алайхиссалом: "Иннамал аъмалу бин ниййати", яъни Расул алайхиссалом айтдиларки, "Савоби аъмол мавкуфдир ниятга".*

*Агар сўрсаларки "Ватани иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Дили бандаи мўъминдир. Ли-ковлихи таоло: "Кутиба фи кулубихим ал иймону", яъни Хак субхонаху айтди: "Битиб кўйилгандир дили мўъминларга иймон".*

*Агар сўрсаларки "Гусли иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Тавбадир".*

*Агар сўрсаларки "Калъаи иймон нимадир?" Жавоб айгилки "Бешдир: Аввал — фарз, иккинчи — вожиб, учинчи — суннат, тўртинчи — мустахаб ва бешинчи — адаб. Бас, хар кимда адаб йўк — иймони шайтоннинг киссасидир!"*

*Агар сўрсаларки "Вактики жон бандадин чикса, иймон кайга борур? Агар десангки, хамроҳи тан бўлур, жон бейймон колур ва агар десангки, хамроҳи жон бўлур, тан бейймон колур ва агар десангки, баъзиси жон бирла ва баъзиси тан бирла бўлур, бас, бул вақт иймон таксимпазир эмас! <sup>42</sup> бўлур, вахоланки, иймон таксимпазир Жавоб айгилки "Иймоннинг икки сифати бордирки, бирини "феъли иймон" ва бирини "хукми иймон" атарлар. Бас, феъли*

иймон жон бирла бўлур, чунки асл мукаллиф жондир ва хукми иймон тан бирла бўлур, чунки тан жон хукмидадир ва лекин иймон тобеъи жондир ва баъзилар бу саволда таваккуф килдилар ва жавобин Худойи таолога тавфиз килдилар. Аллох барчадин яхширок билгай!"

*Агар сўрсаларки "Кимнинг бандасисан ва кимнинг умматисан ва кимнинг дўстисан ва кимнинг миллатида ва кимнинг мазхабидасан?"*

*Жавоб айгилки*

*"Худонинг бандасиман ва Мухаммад алайхиссаломнинг умматиман ва чохорёри изомнинг*

*43*

*аъстиман ва хазрат Иброхим алайхиссаломнинг миллатидаман ва Имоми Аъзам рахматуллохи алайхининг мазхабидаманки, отлари Нуъмон ибн Собитдир".*

*Агар сўрсаларки "Кандок худонинг бандасисан?"* *Жавоб айгилки "Худойи ўн саккиз минг оламнинг бандасиманки, сифати "Кул хуваллоху ахадун"дир ва зоти илми бандадин ташкаридир".*